УзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Гос. книжная палата УзССР
-9 02 96

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 3 февраль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 9 (6706)

*Даъват*

Агар ақлинг бўлса, ҳунар ўрган, чунки ҳунарсиз ақл, либоссиз тан ёки афти йўқ одамдир, дебдурларки, билим — ақл сиймосидир.

**КАЙКОВУС**

*Ибрат*

Бухоро давлат университети илмий Кенгаши «Бухоро давлат университетида хизмат кўрсатган профессор», «Хизмат кўрсатган доцент» унвонларини таъсис этган эди. 17 нафар фан фидойилари шундай фахрий унвонларга сазовор бўлдилар. Дарвоқе, улар моддий манфаат ҳам кўрадиган бўлишди.

## ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ...

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ «ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА, ПАРЛАМЕНТИГА ВА ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМА» ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

«Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол, айниқса халқимиз тилида кўп такрорланади ва унга амал қилинади. Бу мақол такрор-такрор айтилаверса ҳам ҳеч кимнинг асаб меъдасига тегмайди. Чунки бегалва, фаровон яшаш учун ҳамма қўшнисининг тинчлигини хоҳлайди, шунга яраша ҳаракатда бўлади. Давлат миқёсида эса бу мақол янада кенгроқ тушунчага эга бўлади.

Қўшни Тожикистондаги фуқаролар урушининг оқибатларини бутун дунё билади. Бироқ унинг тақдири учун Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати, ўзбек халқидек куйинаётган, ташвишга тушаётган мамлакат бўлмаса керак. Бу ҳам биз юқорида эслатган мақол замиридаги маънодан келиб чиқади. Қолаверса, у ерда минглаб миллатдошларимиз ҳам яшайдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Тожикистон Президентига, парламентига ва халқига Мурожаатнома» қабул қилди. «Яна қон тўкилишига, одамларнинг бир-бирига қарама-қарши туришига йўл қўйманг, юз берган можарони тинч йўл билан, музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун бор кучингизни сарфланг», дейилади мурожаатномада.

Бунда сўнгги кунларда Турсунзода, Қўрғонтепа шаҳарларида турли талаблар билан бош кўтараётган ҳар хил гуруҳ раҳбарлари муаммони милтиқ отиб, ўз ватандошининг қонини тўкиб бартараф эта олмасликлари алоҳида таъкидланади. Йўл битта — муомала, музокара, ярашиш; миллатни — давлатни асраш.

Ҳар галги тўкилган қон олиниши лозим бўлган қасос қонини кўпайтираверади. Миллат қирилади, энг фожиалиси, у ўзини-ўзи қиради... Дунёда одамзоддан вайроналар эмас, озод ва обод юрт қолмоғи керак эмасми? Энди турли ниғоҳ — мақсадлардаги кўзлар очилмоғи лозим. Давлат парчаланмоғи эмас, мустаҳкамланмоғи зарур. Бу ишларни бугун бажариш шарт! Эртага кеч бўлади...



**Тошкент шаҳридаги 299-мактабда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанининг ҳар бир сабоғини фидойи муаллима Машкура Расулова турли хил услублардан фойдаланган ҳолда қизиқарли ўтказади. Шу боисдан ўғил-қизлар компьютер билан ишлашни зўр иштиёқ билан ўрганишяпти.**

**СУРАТДА: М. Расулова 6-синф ўқувчилари билан галдаги машғулотни ўтказаяпти.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

*Қарор ва шарҳ*

## ИМТИҲОНЛАР ЯНГИЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш, 1995-96 ўқув йилини якунлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати «Ўзбекистон Республикаси ўрта умумтаълим мактаблари ва ҳунар таълими ўқув муассасаларида 1995-96 ўқув йили якуни, синфдан-синф (курсдан курс)га кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилди.

Хўш, бу йилги имтиҳонлар қандай таркибда ўтказилади, унинг аввалги йиллардагидан фарқли жиҳатлари нималардан иборат. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шукур Пулатовнинг вазирлик ҳайъати қарорига шарҳида ана шулар билан танишасиз.

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, барча турдаги умумтаълим мактаблари ва махсус мактаб-интернатларда ўқув машғулотлари 26 майгача, ҳунар таълими ўқув муассасаларида эса 30 июнгача давом этади.

Барча турдаги умумтаълим мактабларида битириш имтиҳонлари 27 майдан 15 июнгача бўлиб ўтади. Имтиҳонларнинг тартиб-қоидалари, методик тавсиялар ҳамда йўриқномалар икки ой муддат ичида жойларга етказилади. Ҳунар таълимига оид фанлар бўйича имтиҳонларни ўтказишда ҳам белгиланган тартибда амалдаги режа ва дастурларга асосланилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар пойтахтлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри ва Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги мактабларда битириш имтиҳонлари Республика Таълим илмий-методика маркази билан ҳамкорликда (Правец-8", «ВМ-РС» компьютерлари билан таъминланган (3 та) мактабларда) ўтказилиши қарорда алоҳида қайд қилинган. Кейинчалик бундай синов натижалари тўла таҳлил қилинади.

Мазкур ҳужжат кенг муаллимлар жамоалари таклифлари, Республикамизнинг тажрибали мутахассислари ҳамда хорижий мамлакатларнинг иш тажрибаларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Ҳужжатдаги асосий ўзгаришлардан бири бир неча йилдан бери қўллаб қилинаётган синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари 1995-96 ўқув йили якуни бўйича ўтказилмайди. Бунинг сабаблари нимада?

**(Давоми 2-бетда).**

*Бизга жавоб берадилар*

## «ПОМУҚЛИК БИЗНЕСЧИЛАР»

(«Маърифат», 1995 йил 13 декабрь)

Юқоридаги сарлавҳа остида махсус мухбиримиз Абдували Обиддиновнинг чоп этилган танқидий мақоласида Баҳористон туманидаги 22-ҳунар-техника билим юртида йўл қўйилган хато ва камчиликлар танқид қилинган эди.

Мақола юзасидан Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р. Мусурмонов имзоси билан қуйидагича жавоб хати олдик:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги 296-сонли «Бозорислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Баҳористон туманида ягона бўлган 22-ҳунар-техника билим юрти Баҳористон бизнес мактабига айлантирилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси «Маърифат» рўзномасининг 1995 йил 13 декабрь сонида чоп этилган «Помуқлик бизнесчилар» сарлавҳали мақолани жойида ўрганиб чиқди. Баҳористон бизнес мактабида ҳозирги кунда 248 ўқувчи таълим олмоқда. Мақолада кўрсатилган камчиликлар бошқарманинг 1995 йил 23 декабрда ўтказилган ҳайъат йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди. Директор Н. Абдиев ишда йўл қўйган камчиликлари учун ўз вазифасидан озод қилинди.

Ҳозирда бизнес мактабини тадбиркор ва ташкилотчи раҳбарлар билан мустаҳкамлаш текшириш жараёнида аниқланган барча камчиликларни бартараф этиш тадбирлари кўрилмоқда».

*Муносабат*

# ФАЛСАФА: У ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ЯНГИЛАНАДИ?

**«Маърифат» 31 январь 1996 йил.**

## МОҲИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Давр ўзгаришлари фалсафий таълимотларда кўзгудек акс этади. Масалан, ўрта асрларда мусулмон шарқида, исломий қадриятлар асосида, комил инсонни тарбиялашга бўлган интилиш, инсоннинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний моҳиятини илоҳий қудрат билан боғлаш эҳтиёжи тасаввуф фалсафасини вужудга келтирган бўлса, янги дунёдаги саноат инқилоблари даврида кишиларнинг фақатгина моддий манфаатлар учун интилишлари Америкада прагматистик фалсафанинг ривожланишига сабаб бўлди.

Бугунги мустақиллик йўлидан қадам ташлаётган юртимиздаги ижтимоий ўзгаришлар ҳам янгиланаётган фалсафий концепцияларда ўз аксини топади. Газетанинг 31 январь сонида чоп этилган «Фалсафа»: у қачон ва қандай янгиланади?» мавзуидаги мунозара диққатта сазовор. Мунозарада таниқли файласуф-олимларимиз ўзларининг хилма-хил фикрлари билан чиқишган. С. Шермуҳамедов марксистик фалсафадаги анъанавий таъриф ҳақиқатта яқин деб ҳисобласа, М. Орипов фалсафани фан деб ҳисобламаслик тарафдори, профессор И. Раҳимов ҳозирги замон жаҳон фалсафий оқимларининг қарашларидан хабардор бўлишга даъват этади. Шунингдек, диалектика таълимоти, Шарқ фалсафаси, ўзимизнинг фалсафий таълимотимизни яратиш, фалсафа дастурини ислоҳот қилиш каби таклифлар илгари сурилган.

Аввало таклифлар файласуфларимизнинг ўз шахсий мулоҳазалари. Қолаверса, бу соф илмий, чуқур ўрганиладиган масала. Лекин фалсафани фан эмас деб баҳс очиб ўтириш, бу энди, юмшоқ қилиб айтганда, бошқа ҳар қандай фанга шубҳа билан қарашдек гап. Бу ўринда фикр аниқ: фалсафа — фан! Шуни таъкидлаш лозимки, файласуфларимиз ҳамон анъанавий қарашлар таъсиридан қутула олишмаётир. Кант ҳақиқий файласуф ақл-идрокини эркин ишлата олиши лозим, у бошқаларга қулларча тақлид қилмаслиги керак, деб уқтирган эди. Бу фикрлар гўёки бугунги кундаги бизнинг файласуфларимиз ҳақида айтилгандек. Нега шундоқ бўлиб қолганмиз? Фикрларимиз темир қолипларга солингандек. Бунинг ўз сабаблари бор. Биз ўта мафкуралаштирилган, сиёсатлаштирилган, стандартлаштирилган, марказлаштирилган, муқаддаслаштирилган фалсафа ҳукмронлиги даврида тарбия топдик, фикрлашни ўргандик. Бу даврда мавжуд тоталитар режим тафаккур эркинлигини ҳам бўғиб қўйган эди. Юқоридан берилган ғоявий кўрсатмаларни ижро этар эдик, холос. Мустақил ғояни илгари суришга ҳаддимиз сиғмас, ҳаққимиз ҳам йўқ эди. Шундай қилиб, «темир қафасга солинган тафаккур» янги фалсафий йўналишлар очишдан маҳрум қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида Президентимиз Ислом Каримов «тафаккурни мафкуравий тазйиқлардан озод қилишимиз лозим. Эркин тафаккургина янгиликни ярата олади. Жиловланган, қолипга солинган тафаккур янгилик яратишдан ожиздир» —деб ҳаққоний таъкидлади. Бу тафаккурни озод қилиш сари ташланган дастлабки қадамдир.

Тўғри, диалектика борлиқнинг маълум жиҳатларини яъни узлуксиз ва чизиқли ривожланган йўлини ифодалайди. Лекин буни мутлақлаштирмаслик лозим. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, борлиқнинг маълум бир томонини турғунлаштириб, «тўхтатиб» ўрганишга мажбур бўламиз. Бундай ҳолларда шубҳасиз метафизикага мурожаат қилишга тўғри келади. Бутун ўқув жараёни, таълим олиш услуби одатда метафизик ёндашишига асосланади. Оламда ҳар доим ҳам бир текис, чизиқли ривожланиш рўй беравермайди.

Хуллас, турли фалсафий мактаблар, оқимлар, қарашлар, концепциялар бир-бирини тўлдиради. Фалсафа — инсон тафаккурининг ўз-ўзини англашидир. Ўзига хос ва ўзига мос йўлимизни белгилаб олдик. Демак, бизнинг фалсафамиз ҳам ўзимизга хос бўлади. Янгича ижтимоий бурилишлар даврида инсоният янгича тафаккурлаш услубига эҳтиёж сезади. Бу — янгича фалсафага бўлган эҳтиёжнинг ўзидир.

**(Давоми 2-бетда).**

## ДАРСЛИК ЁЗИЛМОҚДА

*Инсон ва жамият... Миллий ўзбек давлатининг тобора равнақ топишида, унинг халқчил ва инсонпарвар тамойилларининг шаклланишида инсон камолоти, айниқса, ўқувчи-ёшлар онгини шакллантириш, улар дунёқарашини ўстириш халқ таълимининг бугунги бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифа қандай адо этилмоқда? «Инсон ва жамият» курси ўқитилишининг аҳволи қандай?*

*Республика Таълим илмий-методика маркази директори муовини, тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматов умумтаълим мактабларида ижтимоий фанларнинг, жумладан «Инсон ва жамият» курсининг қандай ўқитилаётганлиги хусусида қуйидагиларни гапириб берди:*

— Демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири инсон камолотидир. Айниқса, ўқувчи-ёшлар миллий дунёқарашининг шаклланиши бугунги ўтиш даврида ниҳоятда долзарб муаммо бўлиб турибди. Миллий давлатимиз ўз тузилмасига кўра инсон ва жамиятнинг халқчиллигида акс этади.

Урта мактаблар, лицей ва ҳунар таълими муассасаларида ўқувчи ёшларда ижтимоий миллий дунёқарашни шакллантириш учун Умумий ва Ўзбекистон тарихидан ташқари 9-синфда «Давлат ҳуқуқи асослари», 10-синфда «Одоб асослари» фанлари ҳафталик дарс жадвалига киритилган ҳолда асосий фан сифатида ўқитилмоқда.

Шахснинг жамиятга бўлган муносабати ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда мустақил демократик давлатимизнинг ўзига хос миллий тикланиш жараёнларини 11-синфда ўқитиладиган «Инсон ва жамият» дарсида мукаммал ифодалашга ҳаракат қилинди. Дарҳақиқат, ҳар ҳафтада икки соат (бир йилда 68—70 соат)дан мазкур курс бўйича дарс мушғулотлари олиб борилади.

Умумтаълим мактабларида чақириққача ёшларни тайёрлаш учун мактаб ихтиёрига берилган соатларда «Одоб-ахлоқ маданияти» асослари», «Иқтисодий билим асослари» ва «Ҳуқуқшунослик» кенг ва пухта ўргатилмоқда. Бу ўринда ўқувчи-ёшларнинг «Эски ўзбек ёзуви асослари»ни билишлари ҳам назарда тутилади.

«Инсон ва жамият» фани бўйича мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб дастур тузилган бўлиб, асосан жамият тараққиёти ҳақидаги илмий қонун ва қонуниятлар, инсонни унга бўлган муносабатини ўрганиш кўзда тутилган. Энг муҳими, бу дарс орқали ўқувчиларга янги жамият қурилиши, унинг истиқлол тамойиллари, замонавий тараққиёт асослари оддий ва ўқувчиларга тушунарли тилда ифода қилинади.

«Инсон ва жамият» дарси ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтириш бўйича лицейларнинг 2-курсида ўқитилади.

Ҳозирча мактабларда «Инсон ва жамият» дарси бундан икки йил аввал «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Инсон ва жамият» дарсининг дастури ва мавзулари матнлари асосида ўқитилмоқда.

Бугунги кунда вазирликнинг буюртмаси билан мамлакатимизнинг етакчи жамиятшунос олимлари «Инсон ва жамият» дрслигини давр талаблари асосида тайёрлашмоқда. Жумладан, Тошкент иқтисодиёт университети кафедра мудири Ғ. Рафиқов ва шу кафедра доценти Т. Ҳошимов мазкур дастур устида жиддий иш олиб бормоқдалар. Бундай муҳим дарсликнинг яратилиши учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан танлов эълон қилинганлигидан хабарингиз бор. Бу ҳақда «Халқ сўзи» газетасининг 1995 йил 1 ноябрь сонида маълумот берилган эди. Биз ҳам жамиятшунос олимларимиз ўз фарзандлари — ўқувчилар учун дарслик яратиш танловида фаол иштирок этишларини сўраймиз.

Умуман, ўрта умумтаълим мактаблари, гимназия ва коллежларда гуманитар ва ижтимоий фанлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, Президентимиз республика Олий Мажлиси IV сессиясида қайд қилганларидек, юксак савияли янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш зарурлигини ҳар бир педагог олим, моҳир методист ўқитувчи ўзининг шарафли вазифаси деб билмоғи керак.

*Халқ таълими вазирлигида*

## САНОАТ «НОНИ»

**у ҳам зарур ва муҳим**

Мамлакат тараққиётини, кишилик жамиятининг моддий маданиятини металлсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш жиҳозлари транспорт ва алоқа воситаларини яратишда, қурилиш ва ҳарбий соҳада металлнинг ўрни беқиёс. Металл қишлоқ хўжалигида, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугун у мустақил мамлакатимиз саноатининг «нони» сифатида айниқса қадрлидир.

Бинобарин темир-терсак, турли металл парчаларини йиғиб металл қуйиш заводларига топшириш мамлакатимиз саноати муттасил ривожланишига қўшилган ҳиссадир.

Эътиборли томони шундаки, республикамиз халқ таълими муассасалари, таълим-тарбия масканлари ходимлари ва ўқувчилар ҳам бу муҳим ишдан четда қолмаётирлар.

Қора ва рангли металл парчаларини давлатга топшириш бўйича вазирлик қошида тузилган штабга йил бошиданоқ келиб тушаётган хушхабарлар жойларда бу масалага жиддий қаралаётганидан далолат.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари, штаб бошлиғи Муртазо Султонов штабнинг навбатдаги йиғилишида иштирокчилар эътиборини масаланинг ана шу жиҳатларига қаратди.

Чунончи Хива ва Асака педагогика билим юртлари жамоалари металл парчалари йиғиб топшириш иқтисодиётимиз юксалишида алоҳида ўрин эгаллашини чуқур англаган ҳолда иш юритишиб, 30 тоннадан қора металл топширишди ва бу борадаги йиллик режани январь ойидаёқ уддалаб қўйишди. Қувончлиси, асакаликлар рангли металл топшириш бўйича йиллик режани ҳам оширғи билан адо этишди.

Тошкент шаҳридаги 27, 33, 55, 42, 43-ҳунар-техника билим юртлари, Ражабий номидаги педагогика билим юрти, машинасозлик лицейи, Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоалари ойлик режаларни бажардилар.

Бироқ бир қанча таълим муассасаларида бу муҳим ишга етарли даражада эътибор берилмаётир. Ҳали вақт борку, дея хотиржамликка берилиш ҳоллари учраб турибди.

Штаб йиғилишида металл парчаларини тезроқ йиғиб-териб топшириш ва давлат режаларини ўз вақтида бажариш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

## МММ ХАБАРЛАРИ

### МАКТАБЛАР ВА РАҲБАРЛАР

*Жиззах вилояти Бахмал туманига қарашли 1 ва 5-ўрта мактабларда туманда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактаблари раҳбарлари иштирокида «Мактабни бошқаришнинг педагогик асослари» мавзусида амалий, кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари 1 ва 5-мактабларда таълим тўғрисидаги норматив ҳужжатларнинг юритилиши билан танишиб, ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, раҳбарлар Республика Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низом»ни атрофлича ўрганиб чиқишди. Семинарда туман халқ таълими бўлими мудири С. Мирзабеков 1996 ўқув йилида маорифчилар олдида турган зарур вазифалар тўғрисида сўзлади.*

### ЎТМИШ ҲАҚИДА СУҲБАТ

*Тошкент давлат университети қошидаги «Ўзбек миллий қадриятлари» илмий-тадқиқот марказида «Туркистон халқлари тарихи ва маданиятининг умумий илдизлари» мавзусида навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Туркистон заминида исломий қадриятларнинг ривожланишига бағишланган суҳбатда Мовароуннаҳр Мусулмонлари диний бошқармаси масъул ходими Абдулазиз Мансуров ва филология фанлари номзоди Убайдулла Уватовнинг маърузалари тингланди. Маърузадан сўнг Иззат Султон, Абдуқодир Зоҳидий, Эркин Юсупов каби таниқли олимлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.*

### БЕПУЛ КУРС

*Бухоро давлат университети ўқитувчилар ва ходимлар учун янги ўзбек алифбосини ўргатувчи бепул курс ташкил этди. Ўқишни хоҳловчилар университетнинг ўқув бўлимига ёзма ариза билан мурожаат этишлари кифоя.*

### ҒОЛИБ — ОЛИМПИАДА ҚАТНАШЧИСИ

*Юнусободдаги 272-мактабда «Ёш адабиётчилар» туман олимпиадаси бўлиб ўтди. Қатнашчилар турли мавзуларда ижодий иш ёзиб, тест саволлари орқали синовдан ўтказилди. Сўнгра мустақил ўқилган бадиий асарлар юзасидан суҳбат ўтказилди, севиб ёдланган шеърлар тингланди. Ҳайъат аъзолари ўқувчилардан Умида Зоҳидова (265-мактаб), Севара Муҳаммадиева (253-мактаб), Гулюз Валиева (274-мактаб)ларнинг олимпиадада бажарган топшириқларини юқори баҳолаб, биринчи ўринга муносиб деб топдилар. Ғолиблар «Ёш адабиётчилар» шаҳар олимпиадасида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди.*

### МАКТАБДА ҚУНДУЗ БОҚИЛЯПТИ

*Бундан роса олти ой бурун Муборак тумани Қорлиқ қишлоғида жойлашган Собир Раҳимов номидаги 13-ўрта мактаб жамоаси билим маскани «жонли бурчаги»га Муборак Газ конлари бошқармасидан учта қундуз олиб келган эдилар. Янгиликка қизиқувчан жамоа аъзолари тезда қундузлар учун жой, керакли шарт-шароитларни муҳайё этишди. Улар катта хона ажратиб, ушбу хонани яна кичик-кичик хоналарга бўлиб чиқдилар. Ҳар бир хоначада яшаш ва овқатланиш шароитларини ва яна кичик-кичик ҳовузчаларни кўнгилдагидек қилиб ясадилар.*

*Қизиқувчан ўқувчилардан иборат «Ёш қундузчилар» гуруҳи тузилиб, навбатчилик рўйхати асосида нутралар парвариши бошлаб юборилди.*

*— Айни кунда нутраларимиз сони 16 тага етди, — дейди мактаб директори Ғани ака Намозов. — Ўқувчиларимиз жониворларни жуда катта қизиқиш билан парвариш қилмоқдалар, ҳатто улар қундузларнинг ҳар бирига алоҳида исмлар қўйиб олишган. Биз қундузларимиз сони юзтага етгач, улардан мўйна олишни бошлашга келишиб олганмиз. Айни кунда олдимиздаги муҳим ишлардан бири мактабда мўйнадан телпак тикадиган цехни ташкил этишдир.*

*Мактабда бўлганимизда шунга иқрор бўлдикки, агар қизиқиш бўлса, қундузни ҳар бир хонадонда, ҳар бир мактаб шароитида кўпайтириш мумкин экан. Чунки, сувда яшовчи, ноёб мўйнали, ўта чиройли бу жонивор тез кўпаяди ва овқат танламайди.*

*Сиртқи дарс*

# 5. АМИР ТЕМУР САРОЙИ ОЛИМУ ФОЗИЛЛАРИ

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур қаерга бормасин, доимо олиму фозилларни бирга олиб юрган. Деярли ҳар куни улар билан илмий мубоҳасалар ўтказган. Афсуски, улар тўғрисида кам маълумотга эгамиз.

Мавзунинг таълим мақсади: Ўқувчиларни Амир Темур саройида фаолият кўрсатган ва кашфиётлар қилган олимлар билан таништириш.

Мавзунинг тарбиявий аҳамияти: Талабаларда ўз аждодлари салоҳиятидан ифтихор ҳиссини уйғотиш.

РЕЖА:

1. Мирали Табризий.
2. Амир Саййид Шариф Журжоний.
3. Саъдуддин Тафтазоний.
4. Хожа Муҳаммад Порсо.

МАНБАЛАР: 1. Мир Саййид Шариф Роқим. Тарихи Роқим. (Тарихи касира). 2. Хондамир. Ҳабибус-сияр. 3. Собрание восточных рукописей АН УзССР, 1—11 жилдлар.

МИРАЛИ ТАБРИЗИЙ:

Амир Темур даврининг етук хаттоти. Самарқандда эканлигида насх ва таълиқ хат услублари асосида настаълиқ хатини ихтиро этади. Буни Султонали Машҳадий ўзининг хаттотлик ҳақидаги рисоласида таъкидлаган.

Насхи таълиқ агар хафию жалист,
Возеъул-асл хожа Миралист.

111 йилда хуснихат ҳақидаги рисоласини чоп эттирган тошкентлик машҳур хаттот Шомурод котиб ҳам бу фикрни таъкид этган: «Хожа Мирали Табризий ихтиро қилган настаълиқнинг таълимот ва қоидалари ҳақидаги рисоласини хатни танувчи замоннинг зийрак кишилари учун бадиий асарлар яратувчи таъбидан чиқариб эсдалик қолдирган».

Исҳоқхон Тўрақўрғоний ўзининг «Жомеъул-хутут» (Наманган, 1912) рисоласида Мирали Табризий ҳақида шундай ёзади: «Хожа Мирали Табризий насх ила таълиқдан мураккаб бўлган настаълиқ хатини чиқарганлар».

Машҳур хаттот Абдулқодир Муродийнинг ёзишларича, Мирали замонигача таълиқ хати қўлланарди. Мирали настаълиқ хатини ихтиро қилади ҳамда таълиқ хатига нахс (бекор қилиш) қаламини уради. Шунинг учун ҳам хатига насхи таълиқ номи берилади.

Мирали Табризийнинг настаълиқ хати ҳақидаги рисоласи тўлиқ ҳолда сақланиб қолмаган. Шомурод котиб ўз Рисоласида Мирали Табризий рисоласидан эллик байтча парча келтирган. Рисоланинг бошланғич қисмидаги ҳамд, наът ва хат санъати ҳақидаги таълимотини тушириб қолдириб, фақат ҳарфларнинг нуқта ўлчови асосида ёзилиш қоидаларига оид қисмигина келтирилган. Мирали Табризий хаттотлик санъатини улуғлаган.

Дурри садафи баҳри маони хатаст,
Ёқути ҳақойиқи ниҳоний хатаст.

(Мазмуни: Маънолар денгизи садафининг дури хатдир,
Ниҳоний ҳақиқатлар Ёқути хатдир).

Мирали Табризийнинг икки шогирди бўлган, бири мавлоно Жаъфар бўлиб, Шоҳрух Мирзо саройи хаттотларининг пешвоси бўлган. иккинчиси Мир Абдулҳай китоба санъати, иншо ва таҳрирда тенгсиз ҳисобланиб, Султон Абусаъид саройида ишлаган.

Мирали ибн Илёс Табризий 1401 йилда вафот этган. Унинг қалами билан кўчирилган Хожу Кирмонийнинг Девони нусхаси Британия музейида сақланади.

АМИР САЙЙИД ШАРИФ ЖУРЖОНИЙ. (1339—1413) — йирик файласуф, лингвист, фақиҳ фалакиёт олими. Шерозда, сўнгра Амир Темур саройида Самарқандда яшайди. Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний билан мажлислар ўтказади. 1406 йилгача Самарқандда яшаб, сўнг Шерозга келади ва шу ерда 1413йилда 76 ёшида вафот этади.

Ўзбекистон Республикаси ФАШИнинг қўлёзмалар фондида унинг қуйидаги асарлари сақланади:

1. «Шарҳут-тазкиратул Насрия» («Насриддин Тусийнинг: «Астрономия тўғрисида рисола»сига шарҳ»). 2. «Шарҳи мулаххас фил-ҳайъа Чағминий» («ЧағминийнингҚисқача ҳайъат» рисоласига шарҳ»). 3. «Шарқи ҳикматул-айн» (Қазвинийнинг «Ҳикматул-айн» асарига шарҳ»). 4. «Шарҳил-фаройизус-Сирожиййа, шарафияйи Сирожия» («Фароиз ус- — Сирожийа. Шарафияйи Сирожия»га шарҳлар).

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙ: Саъдуддин Масъуд ибн умар Тафтазоний йирик фиқҳ олими бўлиб, у ҳақда Мир Сайид Роқим қуйидагиларни ёзади: «Агарчи у афзалликлар шажари, донишу камол самараси тўртинчи иқлимда жойлашган Ироқ замини обу ҳавосидан нашъу намо топган бўлса ҳам рубъи маскундан иборат етти иқлим талабалари унинг фазилатлари соясидан баҳраманд, унинг мақоли самарасидан маҳзуз (баҳраманд) ва баруманддирлар. Ул зоти олий таваллудлари санайи 722 ҳижрий (милодий 1322) йилдадир. Ўн олти яшарликларида санайи 738 ҳижрий (милодий 1338 йил март) шаъбон ойида Фариванд вилоятида Зинжоний китобига шарҳ ёздилар. «Шарҳи талхисул—мафотиҳ»ни санайи 752 ҳижрий сафар (милодий 1351 йил апрель) ойида Ҳирот вилоятида ёздилар. «Китоби эҳзор»ни санайи 752 ҳижрий (милодий 1351) йилда Ғиждувон вилоятида ёздилар. «Шарҳи рисолаи Шамсия»ни санайи 753 ҳижрий жумодилохир (милодий 1352 йил июль) ойида Жом вилоятида ёздилар. «Шарҳи танкиҳ» асарини санайи 757 ҳижрий зулқаъда (милодий 1356 йил ноябрь) ойида Туркистон вилоятида ёзиб тугалладилар. «Шарҳи ақойид» асарини санайи 775 ҳижрий шаъбон (милодий 1374 йил январь—феврал ойида ёздилар. «Рисолайи кабиратул-иршод дар илми наҳв»ни санайи 778 ҳижрий (милодий 1876) йилда Хоразм вилоятида ёздилар. «Мақосид ул-калом» ва «Шарҳи Мақосид» асарларини санайи 784 ҳижрий зулқаъда (милодий 1383 йил январь) ойида Самарқанд вилоятида ёзиб тамомладилар. «Таҳзиб ул-калом» ва «Мифтоҳул-улум» учинчи қисми шарҳи китобларини санайи 786 ҳижрий (милодий 1384) йилда Самарқанд вилоятида ёздилар. «Шарҳ дар таълифи фатовиул-ҳанафия»ни санайи 786 ҳижрий зулқаъда (милодий 1384 йил декабрь — 1385 йил январь) ойида Ҳирот шаҳрида ёздилар. «Шарҳи мифтоҳилфиқҳия шофиъий»ни санайи 790 ҳижрий (милодий 1388) йилда ёздилар. «Шарҳи талҳизи жомеъи ҳанафий»ни санайи 791 ҳижрий (милодий 1389) йилда Сарахс шаҳрида ёздилар. «Шарҳи Кашшоф»ни санайи 792 ҳижрий рабиъул-охир (милодий 1390 йил март) ойида Самарқанд вилоятида ёздилар».

Мавлоно Тафтазоний Сарахс вилоятида бир олий мадраса бино қилдилар. Кўплаб истеъдодли сўз усталари, мумтоз фозиллар Амир Темур саройида унинг идроки нуридан баҳраманд бўлдилар. Мавлоно 1392 йил оламдан кўз юмдилар. Наъшлари ўзлари қурдирган мадраса ёнидаги мақбарага қўйилди. Афсуски, Саъдуддин Тафтазоний асарлари ҳануз тадқиқ этилмай келмоқда.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО. Халқ орасида Муҳаммад Ҳофиз Бухорий ёки Хожайи Порсо исмлари билан машҳур қомусий билим эгаси. Мир Сайид Роқим ул зот ҳақида шундай ёзади: «Шоҳрух Мирзо салтанати замонида Фохирайи Бухоро вилоятида тоат сажжодасини ёзиб, авлиёлар тариқини равшан ҳидоятига айлантирди». Хожа Муҳаммад Порсо муборак ёшлари саксонга яқинлашиб, 1420 йилда Мадинада вафот топдилар. Ул зот Баҳовуддин Нақшбанднинг машҳур шогирди эдилар. Муҳаммад Порсонинг фалсафага доир «Фаслул хитоб» асари мавжуд.

1417 йилда Бухоро шаҳрида «Тафсири Муҳаммад Порсо» ёзилади. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Истамбул (Абдураҳмон Жомий дастхати), Қозон музейларида сақланади.

**Наим НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

---

*Мукофот соҳиблари*

# ҚАЛАМ БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИБ...

1944 йил. Урушнинг қаттол кунлари. Қаҳатчилик. Жўра ота беш ёшли ўғилчасини бағрига босиб, бошини силар экан:

— Сен, албатта, ўқиб олим бўласан, оппоғим. Биз кўрмаган кунларни кўрасан, эл-юртда бахтиқбол топасан, тойлоғим, — дея келажакка умид боғлар, урушни лаънатларди.

Ота ҳақ чиқди. Уруш ғалаба билан тугади. Аста-секин ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Олимжон мактабга борди. У дастлабки кунданоқ ўзининг ўткир зеҳни билан ўқитувчилар эътиборини тортди. Фанларни чуқур ўзлаштирувчи, интизомли ўқувчига педагогик жамоа ўзгача меҳр билан қарай бошлади. 10-синфни тугатгач, аввал деҳқончилик хўжалигида ишлаб, «қора» меҳнатда чиниқди. 1963 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси куллиётига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилинди. Академик Воҳид Абдуллаев, профессорлардан Ботиржон Валихўжаев, Раҳмонқул Орзибеков, Раҳимжон Муқимов, Нуритдин Шукуров, Саъдулла Мирзаевлар назарига тушди. Етук олимлар Олимжондаги теранлик, билимга чанқоқликни сезишиб, унга алоҳида меҳр билан қарай бошладилар. Чунки Олимжон дорилфунунда бўладиган ҳар бир оммавий-сиёсий ишда фаол қатнашар, билимларни пухта ўзлаштирар, оммавий ахборот воситаларида мақола, шеър, очерклар билан тез-тез қатнашиб турарди.

1968 йилда олий ўқув даргоҳини имтиёзли диплом билан тамомлаган Олимжон тўғридантўғри Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтига ишга таклиф этилди. У дастлаб лаборант бўлиб ишлаш билан бирга талабаларга «Ўзбек болалар адабиёти»дан сабоқ берди. Унинг жонли ва қизиқарли маърузалари ҳар бир талабанинг қалбига тез етиб борар, муҳрланиб қолар эди.

Институт ректорати ёш ўқитувчидаги илм-фанга бўлган қизиқишини сезгач, уни Тошкентдаги Алишер Навоий номли адабиёт музейи қошидаги қўлёзмалар институтига икки йиллик малака ошириш курсига юборди. У бу ерда профессор Ҳамид Сулаймон раҳбарлигида «Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик достончилик ва унинг тараққиётида Алишер Навоийнинг роли» мавзуида бошлаган илмий ишини ниҳоясига етказди. Ёш олимнинг бу ишга собиқ СССР Фанлар академиясининг академиги В. А. Карриев юқори баҳо бериб: «У ўзбек классик адабиётида кам ўрганилганлиги, фалсафий-дидактик достончилик тараққиёти тарихига бағишланганлиги билан характерли бўлиб, унда бу жанрнинг ўзига хос хусусияти, тараққиёт босқичлари, асосий манбалари таҳлил қилинган», деган эди.

Филология фанлари номзоди Олимжон Жўраев 1974 йилда Жиззах давлат педагогика институтига ишга келгач, кўп ўтмай доцентлик даражасини олди. Ўзбек тили ва адабиёти куллиётида кафедра мудири, декан, сиртқи бўлимлар бўйича ректор ўринбосари (проректор) вазифаларида ишлади.

У талабаларга «Ўзбек адабиёти тарихи»дан сабоқ бериш билан бирга ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишларга, адабий кечалар, конференциялар, учрашувлар сингари тадбирларни ўтказишга бош-қош бўлаётир.

Олимжон Жўраевнинг республикамиз нашриётларида босилиб чиққан «Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик достончилик», «Сўз ичра Навоийки жаҳонгир турур» сингари монография ва рисолалари, «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларида чоп этилган «Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан-ул Асрор» достони, «Алишер Навоий ва Ҳайдар Хоразмий» сарлавҳали мақолалари фанимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. «Асрлар нидоси», «Муборак мактублар» тўпламларидаги Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан-ул Асрор» достони ҳам Олимжон Жўраев томонидан нашрга тайёрланганлигини алоҳида қайд этмоқ керак.

Иқтидорли олим мумтоз адабиётимизнинг йирик тадқиқотчиси бўлиш билан бирга, унинг жонкуяр ноширларидан бирига айланди. Унинг узоқ изланишлари, уйқусиз тунлари натижасида «Қадимги афанди латифалари», «Қиссаи Зуфунун», «Қиссаи Заркум», «Қиссаи Рабғузий», «Донишманд Малика», «Зайн ул Араб» (Андалиб), «Бобо Равшан» (Андалиб), «Гулшан ул Асрор» (Ҳайдар Хоразмий), «Ахтамнома» (Сайқалий), «Нурнома» сингари халқнинг асрлар мобайнида маънавий мулки бўлган асарлар мустақиллик шарофати билан яна дунё юзини кўрди.

Меҳрибон ва талабчан устоздан таълим олган кўплаб ёшлар ҳозир республикамизнинг турли жойларида, мактабларда, олий ўқув юртларида ишлашаяпти. Узбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Республикамиз Президенти Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан мукофотланган Олимжон Жўраев номига келган табрик телеграммалари, даста-даста хатлар, телефон қўнғироқлари мазмунини асосан миннатдорчилик ҳис-туйғулари ташкил этди.

Мен олимни орден билан табриклаш баҳонасида унга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдим.

— Сиз мукофотни қандай қабул қилдингиз?

— Аввало илм-фан соҳасидаги озгина меҳнатимни қадрлаб орден билан тақдирлагани учун Президентимизга, қолаверса аҳил жамоамизга катта раҳмат. Меҳнатларим зое кетмабди, шунисига хурсандман.

— Эндиги ниятларингиз нималардан иборат?

— Ниятим — ўтмиш маданий меросимизни қайта жонлантириш. Ҳозир «Рабғузий қиссаси»нинг академик нашрини тайёрламоқдаман. Чунки бу асар ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида имонли, диёнатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Қисқаси, бутун куч-ғайратимни илм-фан йўлида, ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялашга сарф этаман, — деди олим.

Айни вақтда биргина Жиззах вилоятида эмас, балки республикада тан олинган мумтоз алдабиётимизнинг таниқли тадқиқотчиларидан бири Олимжон Жўраевнинг ижодий ва педагогик ишларига биз ҳам ривож тилаймиз. Орден муборак бўлсин! — деймиз унга.

**Иброҳим ДОНИШ.**
**Жиззах вилояти.**

---



## ЖАЖЖИЛАР ДАВРАСИДА

*Нелин Панкова мана қарийб йигирма йилдирки, Мирobод туманидаги «Темир йўллар» болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаб келаяпти. У дастлаб иш бошлаган кезларидаёқ ўзининг жажжилар тарбиясига бўлган жиддийлиги, меҳрибонлиги ва меҳнатсеварлиги билан боғча хизматчилари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Тўғриси, аввал бошида анча қийналди. Олий ўқув юртида олган назарий билимлари, қолаверса ўз касбига бўлган қизиқиш бу қийинчилик олдида устунлик қилди. Ўз устида тинимсиз равишда ишлади, ўқиб ўрганди, изланди. Мудира опа болаларнинг ҳар бир кунини мазмунли ва мароқли ўтказиш учун ҳаракат қилаяпти.*

*— Боғчамиз шаҳримизнинг энг баҳаво ва сўлим гўшасида жойлашган, — дейди Нелин Панкова. — Бу ерда иккита — кичик ва катта гуруҳлар мавжуд. Умуман ҳар бир боланинг характерини чуқур билишга интиламан. Шу боисдан болажонларнинг ҳар бири мен учун азиз бўлиб қолган.*

*— Ҳа, у мудиралик қилаётган «Темир йўллар» болалар боғчасида шаҳарликларнинг 160 га яқин фарзандлари тарбияланишади. У ерда жажжиларнинг яйраб, қувнашлари ва дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Болаларнинг ўз қўллари билан ясаган қумғон, чойнак, пиёла, лаган ва бошқа миллий ҳунармандчилигимиз намуналари беихтиёр сизни ҳаяжонга солади. Ширин хаёллар болаликнинг беғубор, нурафшон сўқмоқларига бошлаб кетади. Кўнглингизни эса сўз билан таърифлаб бўлмас ҳис-туйғуларга ошно қилади.*

**Улуғбек АҲРОРОВ.**
**СУРАТЛАРДА: боғча ҳаётидан лавҳалар.**



---

*Мактабгача тарбия муассасаларида*

# «БУЛБУЛЧА» ЧОРЛАЙДИ ГУЛҒУНЧАЛАРНИ

Кейинги йилларда «боғча-гимназия», «боғча-мактаб» каби сўзлар қулоғимизга тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Чунки мустақил республикамизда ушбу номлар билан юритилаётган янгича йўналишдаги зиё масканлари сони йилдан-йилга ошмоқда. Наманган вилояти Норин туманидаги 10-»Булбулча» боғча-мактаби ҳам худди шундай янгича йўналишдаги таълим-тарбия ўчоқларидан биридир.

Бу жажжилар маскани 1989 йилда ташкил этилган. 180 ўринга эга. Кичкинтойларни тарбиялаш борасида эришаётликлар бор. Мактаб дастуридан ташқари қўшимча инглиз тили, рус тили ва ЭҲМ дарслари чуқур ўргатилади. ЭҲМ дарслари учун компьютерлар ўрнатилган махсус жиҳозланган алоҳида хоналар мавжуд. Дарсдан сўнг ўқувчилар тўгаракларга жалб қилинади. Ўқувчиларнинг овқатланиши, очиқ ҳавода сайр қилиши, ўйнаши, севган машғулотлари билан шуғулланишлари, дарс тайёрлашлари учун барча шарт-шароит муҳайё.

Ўтган ўқув йилида боғча-мактабда яна бир янгилик бўлди. Иқтидорли болалар учун гимназия синфи ташкил қилинди. Бу синфга 20 нафар бола танлов асосида қабул қилиниб, шу йилнинг ўзидаёқ иккинчи синф дастури асосида ўқитила бошланди.

— Бизнинг мақсадимиз боғча-мактабимизни боғча-гиназияга айлантириш, — дейди мазкур даргоҳ раҳбари, халқ таълими аълочиси Санобархон Азимова. — Истиқлолимиз, истиқболимиз келажак ёш авлодлар тарбиясига боғлиқ. Шунинг учун ҳам болаларимизни юксак талаблар асосида чинакам етук инсонлар қилиб, билимдон қилиб тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун эса бизга талабаларимизга жавоб бера оладиган дастурлар зарур. Меросимиз, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида ҳам болаларбоп махсус адабиётлар чоп этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Дарҳақиқат, бу таълим-тарбия масканида ўтмишимизга, меросимизга, миллий қадриятларимизга ўзгача бир ҳурмат ва ихлос билан қаралади. Боғча-мактабнинг ўз музейи бор. Унда қадимий тангалар, тақинчоқлар, турли даврлардаги кийим-кечакларимиз, гилам, чарх, чиғириқлар, паранжи-чачвонлар, мискарлик асбоблари, чинни ва ёғоч буюмлар, хуллас, қадимий маданиятимизга оид исталган нарсани топиш мумкин. Бу музей жажжилар дунёқарашини шакллантириш, маънавиятини бойитишдек эзгу вазифани бажармоқда.

Ҳозиргидек бозор иқтисодиёти шароитида моддий таъминотни яхшилаш учун ҳам «Булбулча»да қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир. Бу таълим-тарбия масканининг ўз боғи, иссиқхонаси бор. Мева сабзавотлар қишин-ёзин ўзларидан чиқиб туради. Ҳатто кичкинтойларни турли шарбатлар билан сийлаб туриш учун фитобар ҳам ишлаб турибди. Бу жажжилар масканида гўшт, сут, тухум маҳсулотлари йил бўйи бор. Чунки боғча-мактаб фермерлик хўжалиги 4 та бузоқли сигири, қўй, курка ва товуқларга эга.

Ундан ташқари «Булбулча»нинг ўз кичик корхонаси ҳам мавжуд бўлиб, у ердаги 4 та тикув машинасида аҳоли эҳтиёжига қараб ҳар хил либослар тикилади. Тушган даромад эса моддий таъминотни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Норин туманидаги мазкур боғча-мактабнинг иқтисодий жиҳатдан ўрнак бўларли жиҳатлари бисёр. Тарбиялаувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам уч маҳал иссиқ овқат берилади. Ота-оналар хурсанд, кўнгиллари хотиржам.

Суҳбатимиз сўнгида Санобархон опа Азимовадан боғча-мактабнинг оддий боғча ёки оддий мактабдан фарқли жиҳатлари хусусида суриштирдик.

— Боғча-мактабнинг фарқли жиҳати, тўғрироғи, афзаллик жиҳати шундаки, бола учун муҳит ўзгармайди, яъни, йиллар давомида шу боғчага қатнаган бола ўзини худди ўз уйидагидек эркин ҳис қилади. Ундан ташқари, тарбиячилар, мураббийлар, тарбияланувчи кичкинтойларнинг характерларини, қизиқишларини, боғча давридаёқ билиб оладилар. Бола мактаб ўқувчиси бўлгач ҳам шунга қараб муомалада бўладилар. Бу нарса ўқитувчининг билим бериш жараёнига, ўқувчининг эса билим олиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, «Булбулча» исми жисмига мос, жажжиларни бағрига оҳанграбодек чорлаб турувчи маскан. Бу масканнинг жажжилари ҳам худди гулғунчаларни эслатади.

**Зубайда УСМОНОВА.**

(The paragraph order above was interrupted in print; the continuation of the first column follows:)

ган ютуқлари, ижобий натижалари билан туманда, вилоятда тилга тушганлардан. Моддий таъминотни яхшилаш учун ҳам ўзига хос тадбиркорлик ишлари билан шуғулланишаётир.

1992 йилгача боғчада 7 та оддий гуруҳ фаолият кўрсатар эди. Ўша йили яна 2 та гуруҳ ташкил қилиниб, бу гуруҳларга «Пахтакор» жамоа хўжалиги ҳудудидаги нутқ ифодасида нуқсони бор болалар жалб қилинди. Бу гуруҳлар учун алоҳида жиҳозланган хоналар ажратилди. Дефектолог-врач, педагог ва дефектолог мураббиялар, ота-оналар билан ҳамкорликда дастлабки йилдаёқ яхши натижаларга эриша бошладилар. Бу гуруҳда тарбияланган болаларнинг нутқидаги нуқсони йўқотилиб, улар ҳам оддий гуруҳларга ўтказилдилар. Кези келганда айтиб ўтмоқ жоизки, худди шу гуруҳларда тарбияланган болалар айни пайтда бошланғич синфларда дарсларни аъло баҳоларга ўзлаштириб келишмоқда.

Утган 1994-95 ўқув йили «Булбулча» жамоаси учун унутилмас сана ҳисобланади. Шу ўқув йилидан бошлаб мазкур болалар боғчаси «боғча-мактаб»га айлантирилди. Айни кунда боғча-мактабнинг биринчи ва иккинчи синфларида шу даргоҳнинг боғча-гуруҳларида тарбияланган болалар таълим олишаётир. Бу ердаги ўқитиш ишларида ҳам талайгина ўзига хос-

---

*Фидойилар*

# МАРАТ АКАНИНГ ҚУВОНЧИ

Жиззах туманидаги Зокир Норматов номидаги 36-ўрта мактаб билан танишувимиз «Президент фармонларини ҳаётга татбиқ этиш назорат маркази»дан бошланди. Марказ учун шинамгина хона ажратилиб, мамлакатимиздаги сиёсий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмали қуроллар билан жиҳозлаб қўйилибди.

— Марказимиз ўқувчиларнинг сиёсий саводхонлигини оширишда жуда қўл келяпти, — деди мактаб директори Марат ака Зокиров. — Бу, биз амалга оширган ва ошираётган ишларнинг бир дебочаси, холос.

Директор шундай дея бизни мактаб ичкариси томон бошлади. У киши етакчилигида Зокир Норматов ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи музей, яхши жиҳозланган, саранжом-сариштa синф хоналари билан танишиб чиқдик. Бизда, айниқса, физика кабинети катта таассурот қолдирди. Кабинетдаги аксарият жиҳозлар муаллим столида жойлашган махсус пульт орқали ҳаракатга келтирилар экан.

— Бундақа синф мамлакатимизда иккита, — изоҳ беради Марат ака. — Бири Паст Дарғом туманидаги 1-ўрта мактабда. Ўша мактабга таассуб қилиб жиҳозлаганмиз. Атай бориб келганман...

Янги ўқув йилидан мактаб ҳудудига кўчиб келган Жиззах давлат педагогика институтига қарашли иқтидорли болалар лицейи билан қизиқдик. Нима учун шу пайтгача бошқа бинода фаолият кўрсатаётган лицей мактаб ҳудудига кўчирилди? Институт ректори вазифасини бажарувчи Баҳром Мамажонов билан учрашиб, ушбу саволни берганимизда, у киши шундай жавоб берди:

— Лицей эски жойида ҳам фаолият кўрсатавериши мумкин эди. Лекин лицей ўқувчиларини оддий мактаб ҳаётига яқинлаштириш ва лицейни бевосита мактаб ҳудудига кўчириб ўтказиш яхши натижалар бермасмикан, деган фикрга келдик. Бу биринчидан, лицей талабаларининг мактаб негизида янги даргоҳга аста-секин кўникувига ёрдам берса, иккинчидан, мактаб ўқувчиларининг иқтидорли болаларга нисбатан ҳавасини оширади, ўқишга бўлган иштиёқини кучайтиради. Қолаверса, 36-ўрта мактабнинг имкониятлари бизни қизиқтириб келарди. Мактаб вилоятда тилга тушган мактаблардан бири. Моддий жиҳатдан ҳам бақувват. Шу билан бирга мактаб директори Марат ака Зокировнинг фазилатлари: унинг изланувчан, фидокор ва уддабуронлиги бизда бу «кўчиш»имизнинг охири бахайр бўлишига умид туғдирди.

Лицейни мактаб ўқитувчилари ҳам қучоқ очиб кутиб олишди. Улар ҳатто ўз меҳнатларини ҳам аямай, лицей учун жонбозлик кўрсатаяптилар. Иқтидорли болалар ихтиёридаги дарсхоналар, ётоқхоналар, ошхона ва яна давом этаётган қурилишларни кўрган бўлсангиз керак. Булар барчаси мактаб ҳисобидан бўлаяпти.

Баҳром ака лицей талабалари ва мактаб ўқувчилари орасидаги муносабатни жуда чиройли қилиб ифодалаб бердилар. Бу ҳолни биз талабалар билан қилган мулоқотимизда ҳам илғадик. Уларга институтдан келган казо-казо домлалар билан баб-баравар оддий мактаб ўқитувчилари ҳам мударрислик қилар эканлар. Бизнингча, бу ҳамкорлик ҳар иккала томонга ҳам катта масъулият юклайди.

Дарвоқе, «Марат аканинг қувончи» ҳақида. Юқорида анча гапни айтиб ўтдик. Марат ака бизга тезлаштирилган ўқув дастури асосида бир йилда икки синфни тугатаётган ўқувчилари ҳақида ҳам гапириб берди. Мактабнинг асосий даромад манбаи ҳисобланмиш иссиқхоналарни кўрсатди. Мактаб ва лицей учун сарфланаётган маблағ шунинг ҳисобидан бўлаётган экан. Яқиндан бошлаб эса Парагвайдан келтирилган, таркибида ўткир шакар моддаси бўлган (1 килоси 40 кило шакар кучини берадиган) стивия ўсимлигини эка бошлашибди. Ҳозирча, бу тажриба. Ажаб эмас, яқин орада бутун Ўзбекистонга татийдиган синоат шу мактабдан чиқиб қолса.

Мактаб тушган даромаддан яна бир йўсинда фойдаланар экан: кечикиб қолаётган маош ўрнида, маърака қиладиган ўқитувчиларга моддий ёрдам, мукофотлар ва ўқувчиларга стипендия...

Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг таъбирича, «Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади». Марат ака бизга мактабда бўлаётган ишларни завқ-шавқ билан гапириб берди, биз ҳам мактабни, ҳам директорни кузатдик. Мактаб ҳақида тўхталдик, директор ҳақидаги қисқача кузатишимиз эса ушбудир: унинг ҳар бир ҳаракатида мактабга жону дил билан боғланиб қолганлиги кўриниб турарди (балки, мактабга отаси — Зокир Норматовнинг номи берилганлиги, уни фарзандлик ришталари ила бу даргоҳга боғлаб қўйгандир!).

Мактабдан чиқаверишимизда рўпарамиздан бир одам кела бошлади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, директорга мурожаат қилди: «Ўғлим қўшни мактабда ўқийди. Мактабингизнинг довруғини эшитиб юрардим, ўғлим ҳам шу мактабда ўқиса...» Шунда биз мактабни, таълим-тарбияни деб жон куйитиб юрган инсоннинг асл қувончини кўрдик — Марат аканинг юзлари ёришиб кетди. Табиийки, бу қувонч бизга ҳам юқди. Боиси мактаблар ўртасида ушмундай ижобий рақобат бошланибдими, демак бу тараққиёт белгиси.

**Асқар ШОКИР,**
**Икром ИСКАНДАР,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбирлари.**

---

*Касаба уюшмалари ҳаёти*

# АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ТАЛАБА?

Ҳозирги иқтисодий аҳвол бирмунча қийин пайтда талабаларнинг аҳволи, шароитлари қандай? Уларнинг дарсдан бўш вақтларида дам олишлари қандай уюштирилаяпти? Мавжуд олий ўқув юртларида бунга қандай ёндашиляпти?

Мен шу саволлар билан Самарқанд давлат дорилфунуни касаба уюшмаси қўмитаси раисаси Шаҳрибону Ҳамроевага мурожаат қилдим.

— Касаба уюшмамиз 4705 та талабани ўз оталиғига олган. Қарамоғимиздаги талабаларга имкон қадар ёрдам бериб, иқтисодий маънавий томондан ҳимоя қилиб бораяпмиз. Ногирон, ёрдамга муҳтож 40 дан ортиқ талабага ҳар ойда 400 сўмдан ёрдам пули бериб бораяпмиз. Тасаруфимиздаги 3 та талабалар ётоқхонасида, 18 та факультет талабалари истиқомат қилишяпти. Қўлимиздан келгунча шароитларни яхшилаб бормоқдамиз. Муаммоларимиз ҳам, албатта, бор. Бу ётоқхоналар билан боғлиқ жиҳозлардир. Шу йил 1 сентябрдан бошлаб юздан ортиқ қаровчисиз талабаларга шаҳар транспортида бепул юриш учун гувоҳномалар тарқатдик. Албатта, бу ҳам уларга анча ёрдам бўлади, деб ўйлайман. Яна бизда соғломлаштириш-даволаш маркази ишлаб турибди ва у ҳам талабалар хизматига доим камарбаста.

Университетимизда яхши бир анъана бор. Ҳар йили кузнинг охирги ойида 1-курс талабаларига расмий равишда талабалик гувоҳномасини топширамиз. Ва бу, албатта, куй-қўшиқсиз, бир луқма ошсиз ўтмайди. Баҳонада ҳамма дам олади, айниқса, 1-курс талабалари хурсанд.

Ёшлар иттифоқи қўмитаси билан биргаликда ҳар хил қизиқарли кечалар уюштириб турибмиз. Масалан, «Қувноқлар ва зукколар», «Иқбол» каби беллашувлар шулар жумласидандир. Яқинда Самарқанд тиббиёт институти талабалари билан университетимиз талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ўтказдик.

Шу ерда Самарқанд давлат дорилфунуни ректори вазифасини бажарувчи М. М. Нушаровнинг ва Ёшлар иттифоқи қўмитаси раиси Салоҳиддин Давроновнинг хизматларини алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлайман.

**Абдуғаффор ОМОН БОЙ.**

*Назм дафтаридан*



## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ватан остонадан бошланиши рост,
Унда алла тинглаб, унган бешик бор.
Қалдирғоч уясин ватан деб билар,
Ўша ватанлардан бошланар баҳор.
Ватан туйғуси ҳар дилда мужассам,
Унда томир отар ҳар меҳрга шайдо.
Ватанлар тўкилса менинг кўзимга,
Чекка бир қишлоқда маконлар пайдо.
Майли, гуллайверсин ҳар дил ватани,
Майли, чирой очсин нафис шабнамлар,
Менинг юрагимга кўксимдир ватан,
Юрак ватанида бўлмасин ғамлар.
Болалигим қолган йиллар қўлида,
Унга эртак бўлган юлдузлар, шомлар.
Бугун катта элга кузатиб қўяр,
Менга ватан бўлган лойсувоқ томлар.

## БУ КУНИМ...

Бу куним ҳам ўтди сархуш ел каби,
Тунлар ўпиб кетди қабоғларимдан.
Сен мени қийнама, қийнама эркам,
Сесканиб кетмагин сабоғларимдан.

Дарёлар ортига қайтмас, биламан,
Бу кунлар ҳам менга саробдир энди.
Тушларимда уйқу тўнғиб кетади,
Мағлубман бехато, бу куним енгди.

Бу куним. Мен сендан нимани сўрай? —
Қайтариб берарсан юлдузларимни?
Оқ рўмол ўрасам, сочимда кўрай
Сенга эртак бўлган кундузларимни,
Бу куним, сен мени бахато енгдинг.

## ГУНОҲ

Сув бўйида ёлғиз мажнунтол,
Ўй селида ўзига мафтун.
Япроқларинг силаган ҳилол,
Қўшиқ куйлар юлдузга ҳар тун.

Қўшиқ менинг дилдаги оҳим —
Хаёл суриб толган мажнунтол.
Бу дунёда бор-йўқ гуноҳим,
Ҳеч кимсага келмайди малол.

Куйлар, сизни сира алишмам
Юлдузимни йўқотсам ҳатто.
Қўшиқ бўлиб қолган эмишман,
Ёниб ашъор битганим хато.

Хато менинг ёниб юрганим,
Кечаларда жим чекканим оҳ.
Ростдир қўшиқ дея куйганим,
Қўшиқ дея қилганим гуноҳ.

**Зебунисо ЛАПАСОВА,**
**Жиззах педагогика институти толибаси.**

---

**Хондамир**

# Ҳабибус-сияр

ТИФЛИС — жуда чиройга эга бўлган шаҳар, Куффор диёри сарҳадида жойлашган ва у Нўширвон қарамоғидадир. У ерда ислом ва насроний динига мансуб кишилар истиқомат қиладилар. Масалан, бир томондан азон товуши қулоққа чалинса, бошқа томондан калисолар қўнғироғининг товуши етади. «Ажоибул-булдон»да зикр этилишича, Тифлисда мутлақо олов ёқмасдан ҳарорати жуда баланд бўладиган ҳаммом бўлган. Чунки у ҳаммомни иссиқ сув чиқадиган булоқлар устида қурганлар. Мазкур ҳаммом мусулмонлар учун белгиланган бўлиб, кофирларнинг унга киришлари ман этилган эди.

СУВ ОЛАМИДАГИ АЙРИМ ҲОДИСА ВА ҒАРОЙИБОТ ҲАҚИДА

Соф ва сирли табиатдан махфий бўлиб қолмасинки, ер кавакларида сизилиб ўтувчи кўп жойлар мавжудки, уларда албатта сув ёки ҳаво бўлади, чунки умумий бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Агар ҳар вақт ҳавога совуқлик таъсир этса, ҳаво ҳам сувга айланади. Агар бу сувга бошқа бир томондан кучли таъсир етса, ва ер тортиш кучига эга бўлмаса, сув у ерга сиғмайди ва тошиб чиқишни хоҳлаб қолади. Шунда сув бир томонни тешади ва ер юзида пайдо бўлади. Бироқ, ернинг салоҳияти етса, сувни ўзига сарфлайди, ўзини «даволайди». (Шу йўл билан булоқлар вужудга келади). Айрим кичик булоқ (чашма)ларнинг таърифи қуйида келади (Хондамир булоқлар — чашмалар номини «айн» арабча, «кўз» маъносида, тожикча — «чашм» қўшимчаси билан берган, биз ҳам шу ҳолича қолдирдик — Таржимон).

АЙН-АР-РАВШАНАК— Қазвин шаҳри ҳудудида. Суви одамнинг ичини тозалаш, кеткизишга даво. Бироқ сувни булоқдан бошқа жойга олиб бориб истеъмол қилишса, даволовчи хусусияти йўқолади.

АЙН-АЛ-ЛАТИФ — Исфарин ва Журжон шаҳарларининг ўрталаридадир. Ундан жуда кўп сув оқиб чиқади, гоҳида эса қуриб қолади. Шунда кўпчилик қўлларида турли буюмларни олиб, чалиб, рақсга тушишлари билан яна сув чиқиб, оқа бошлайди.

АЙН-БОДХОН — Дамғон ҳудудида жойлашган. Агар тасодифан нажаснинг бирон бўлаги булоқ сувига тушса, шу заҳоти жуда қаттиқ шамол ва тўфон вужудга келади ва бу гапнинг ҳақлиги исботланган. Айтишларича, Ғазни ҳудудида ҳам худди шундай булоқ бор.

АЙН-МУЛТИЯ — оқ сув оқиб чиқадиган булоқ.Агар мазкур булоқдан сув олиб жойида ичсалар одамга ҳеч зарар етказмайди, мабодо узоқроққа олиб бориб ичилса, кишининг танасида тош пайдо бўлади ва кўпинча вафотига сабаб бўлади.

АЙН-ДОРОБ — бу булоқда бир гиёҳ ўсадики, ҳар ким булоққа тушиб чўмилса, киши танасига чирмашиб кетаверади, қанчалик унинг асирлигидан қутилишга интилиб ҳаракат қилинса, шунчалик қаттиқроқ ўралади ва агар сабр қилиб ҳаракатсиз турса, булоқ суви ёрдами, хосияти билан қутилиб, чиқиб кетади.

АЙН-ДАВРОҚ — суви ниҳоят иссиқ, мабодо киши билмасдан сувга тушса бадани куяди, агар секин-асталик билан у сувга тушса зарар етказмайди, балки балғам-касаллигининг шифо топишига сабаб бўлади. Баъзида булоқнининг кўзлари бекилиб қолади ва ундан қизил, сариқ, кўк машъалларнинг ёниши кўринади.

АЙНУЛ-ЖАРОД — Шероз ва Исфахон шаҳарлари ўртасида. Булоқнинг суви чигирткаларга қарши курашишга даво. Қаернинг даласида чигиртка кўпайиб кетса, булоқдан идишларга сув олиб кетадилар ва мутлақо бу идишларни ерга қўймайдилар. Идишни бир жойидан осилтириб, орқадан келадилар ва чигиртка уруғини унга соладилар. Агар мабодо сув солинган идиш ерга тегса унинг дорилик хусусияти ўша заҳоти йўқолган.

АЙН-МАСКУРА— қалқон катталигидаги булоқ. Кичиклигидан қатъи назар, агар кўп сонли лашкарлар унинг ёнида тўхтаб, беҳисоб одам сув ичса ҳам, барчанинг чанқоғини бостиради ва ҳеч суви камаймайди.

АЙНУЛ ФОР — Миср ҳудудидаги жангалзорда жойлашган. Бу диёрда мўъжиза тупроқ борки, агар шу булоқ суви билан лой тайёрласалар, сичқонларни йўқотиш (ўлдириш) учун дорига айланади.

АЙН-СУЛАЙМОН — Кирмон ҳудудидаги қалъа ичида. Айтишларича, қадимда шу булоқ сувидан қултуллаб сув ичган ҳар бир шаҳзода албатта подшоҳлик даражасига етган.

АЙНУЛ-ДАЗО — Ғарбда жойлашган булоқ. Унинг сувидан бир мисқол (4,5 грамм) ярим мисқол оғирликдаги кумуш чиқиб туради.

АЙНУЛ-КАРАМ — Балқон ҳудудларида. Унинг сувидан қуриган толлар тагига озгина тўкилса, қайтадан кўкаради.

Давоми бор.

Боши газетанинг 3, 5 ва 8-сонларида.

**Форсчадан Ҳ. ҚУДРАТУЛЛАЕВ таржимаси.**

---

*Бири кам дунё*

## БОЛАНИ БОЛА БИЛАР...

Ростов ички ишлар бошқармаси ҳамда маҳаллий телерадиокомпания ташаббуси билан «Таҳқирланган болалик» деб номланган радиомарафон ўтказилди. Ушбу саховатпешалик эшиттиришининг ғазнасига тушган пуллар болалар уйлари ҳамда етимхоналарга юборилди.

Маълумотларга қараганда, тўқсон миллион рубль хайрия қилинган. Қизиғи шундаки, ушбу маблағнинг ярмидан ортиғи ёш болалар ҳиссасига тўғри келади. «Болани бола билар, катталар нима билар» деб бежиз айтишмайди-да!

## САРТАРОШЛИК— ҲИКМАТ

дегувчи эди қишлоғимизнинг кекса сартароши. Бу гапнинг ҳикматига эса яқинда ишондик.

«Труд» газетасида ёзишларича, Бельгиянинг Брюссель шаҳри маъмуриятига аҳолидан сартарошлар хизматидан арз этгувчи шикоятлар кела бошлабди. Махсус назоратчилар гуруҳи текшириш олиб борилганда, шаҳарнинг биргина туманидаги ўн уч сартарошхонанинг ўн биттаси Бельгияга ноқонуний равишда кириб олган муҳожирларга тегишли экан.

Шундай қилиб, Маъмурият қочқинларни тегишли жойга жўнатди. Биз эса «Сартарошлик — ҳикмат» деган ҳикматга имон келтирдик. Ҳамма мурод-мақсадига етди.

## МУШУКНИ МУШУК ҚУТҚАРДИ

Қозон шаҳридаги кўп қаватли иморатлардан бирида умргузаронлик қилиб юрган «Ванька» лақабли мушукча йўқолиб қолди. Ушбу уйнинг севимли жониворига айланган мушукни бир неча кун излашди. Натижа бўлмади. Бу воқеа унутила бошлаган кунларнинг бирида, тўсатдан, уйнинг чиқинди ташланадиган қувури ичидан «миёв»лаган товуш эшитилди. Аҳли иморатнинг қалби дарё эркаклари мушукни қутқариш учун барча чораларни кўришди. «Эркатой»ни чиқариб олишди ҳам. Лекин у ўзи билан яна бир мушукчани «етаклаб» чиқди. Кейин маълум бўлишича, иккинчи мушукчани безори болачалар қувурга ташлаб юборишган экан.

## МАРОМИНИ ЎЗГАРТИРГАН ҚОНУН

Хитойнинг Изясин шаҳрида яшовчи Пу Лимин исмлик жувон бир йўла тўртта фарзанд кўрди. Ва даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйди. Чунки у мамлакатнинг оила тўғрисидаги қонунини бузган эди. Қонун бўйича эса ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўлиш керак. Лекин Лимин хоним учун давлат дастури ўз маромини ўзгартиришга мажбур бўлди. Унинг тўрт фарзандидан учтасини ўз қарамоғига олди. Уларнинг таълим-тарбиясига кетадиган барча маблағлар ҳукумат ғазнасидан бериладиган бўлди. Аёл ишлайдиган корхона эса унга бир йўла ўн йилга ҳақ тўланувчи таътил бериб юборди.

---

*Ғанимиз фидойилари*

# НАВҚИРОНЛИК ПИЛЛАПОЯСИДАГИ ОТАХОН



Бундан роппа-роса ўттиз йил илгари оддий қишлоқ ўспирини Қаландар Тошкент Халқ хўжалиги институтида таҳсил оларкан, ўзида иқтисод соҳасига кучли бир меҳр, иштиёқ сезди ва ўқишни Плеханов номли Москва Иқтисодиёт институтида давом эттирди. Кейинчалик шу даргоҳда меҳнат иқтисодига оид мавзудаги илмий ишини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди. Ўзининг амалий ишини Тошкент Халқ хўжалиги институтида бошлаган Қаландар ака Абдураҳмонов институт ўқитувчилари орасида тезда ҳурмат топди.

Илм-фан соҳасида янгиликлар яратишга интилиб, ўз фикрини дадил айта олган бу домла 1990 йил докторлик ишини ёқлагач, узоқ вақт Тошкент давлат Иқтисодиёт университетининг Халқаро алоқалар бўйича проректори, Ўзбекистон меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоялаш илмий маркази директори каби масъулиятли вазифаларда ҳам фаолият кўрсатди. Ундан ортиқ йирик рисолалар, қатор илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар ҳамда ўн бешдан ортиқ ёш мутахассисларнинг фан номзоди ва докторлик унвонларига эга бўлишлари Қаландар аканинг республикамиз халқ хўжалиги учун фидойи бир мутахассис эканлигидан далолатдир.

Профессор Абдураҳмонов Франция, Болгария, Словакия, Финляндия ва бошқа қатор хорижий мамлакатларда бўлиб, долзарб ижтимоий-иқтисодий мавзуларда илмий маърузалар ўқиди. Кейинги беш йил ичида эса Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтишдаги устивор йўналишларидан бири бўлган меҳнат муаммолари ҳақида бешта йирик монография ва рисолалар, ўттиздан ортиқ мақолалар эълон қилди. Бу қўлланмалар албатта бозор иқтисодига ўтишдаги зарур дастурлардан ҳисобланади.

Юрт хизмати йўлида фидойи бўлган бағри кенг бу инсон жамоат арбоби сифатида, Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Россия Иқтисодиёт академияси илмий кенгашлари аъзоси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатига аъзо. Қаландар ака Абдураҳмоновнинг хизматлари республикамиз ҳукумати томонидан муносиб тақдирланган. 1992 йили 8 январда у киши республикамиз Президенти фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлди.

Инсон юрагидаги орзу-армонлардан воз кечиб, фақат хотиралар уммонига шўнғисагина кексалик ғалаба қилади. Эл-юрт хизмати учун ёниқ туйғулар билан яшаётган, уларнинг юкини елкасига олиб чарчамаётган Қаландар акага қараб эса «сиз кексалик остонасида эмас, энди навқиронлик пиллапоясида турибсиз», дегинг келади.

**Эркин ЭШОНҚУЛОВ.**

---

*Изҳор*

# МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИ

## ҲАМ ҲОФИЗ, ҲАМ ШОИР БЎЛСА...

Ёш авлод тарбиясида куй-қўшиқнинг, мактабдаги мусиқа дарсининг ҳам, шубҳасиз ўрни беқиёс. Мусиқа дарслари ҳақида сўз борганда, А. Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган бир семинар эсимга тушади. Ушанда кўп фойдали фикрлар ўртага ташланган эди. Жумладан, мусиқа дарсларида миллийлик, тўгарак ишлари, дарсликлар ҳақида. Шунда муаллимлардан бири, «Дарсларда қайси ашулани ўргатишни ҳам билмай қолдик, ҳамма қўшиқда партия, Ленин деган жумлалар бор», деб қолди. Шунда ажойиб домламиз Шермат ака Ёрматов бу муаммоларни умум ўртасига ташлаган ва тўғри фикрлар юзага чиққанди. Бундан ташқари, тўгарак ишларини юритиш борасида ҳам холис гаплар айтилганди. Яъни, ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда иш кўрсин. Масалан, ҳафтанинг бир куни миллий созлар учун, бир куни саҳна асари ва ҳоказо учун ажратилсин.

Маълумки, мусиқа асарини яратиш ниҳоятда мураккаб иш, қолаверса ҳаммага ҳам мусиқий қобилият насиб этавермайди. Бастакорларимизга ҳам осон тутиб бўлмайди. Хоҳлаган пайтда мусиқа ёки янги қўшиқ юзага келавермайди, ахир. Хўш, нима қилиш керак? Бу ўринда яна мусиқа ўқитувчисига катта масъулият юкланади. Фикримча мусиқа ўқитувчиси (бироз бўлсада) ҳам ҳофиз, ҳам шоир бўлмоғи лозим. Улар тил-адабиёт ўқитувчилари билан фикрлашган ҳолда иш кўришса янада яхши бўларди. Шу давргача яратилган куйлар ичида жозибадор, шўх, болалар учун завқли бўлганлари кўп. Афсуски, уларнинг сўзлари эскирган. Бу ҳолда ўқитувчи қўшиқнинг сўзларини қофияси ва вазнини бузмаган ҳолда ўзгартирсин. Мусиқаси эса чиройли янграйверсин, вассалом. Ахир мусиқада нима айб.

Бундан ташқари ўқитувчи, айниқса, мусиқа ўқитувчиси мунтазам изланиши лозим. Қобилиятли болаларни излаб топиш керак. Ўз тажрибамдан бир мисол келтирай. Бир йили охирги қўнғироққа тайёргарлик кўраётган пайтларимиз, эрталаб мактабга келсам, мусиқа хонасидан ажойиб бир куй (сал хомроқ бўлса-да) эшитилмоқда. Во ажабо... Ахир ўқувчиларим орасида гармон чаладигани йўқ эди-да. Бу не ҳол. Секин мўраласам, бир битирувчи ўқувчимиз гармонда берилиб куй чалаяпти. Уша пайтдаги ҳолимни бир тасаввур қилинг. Ахир мен неча йиллар орзу қилган ансамблга гармончи масаласи ҳал бўлган эди-да. Аммо, афсуски кеч эди. Уша охирги қўнғироқ аввалгиларидан ҳам ажойиб ўтди. Агар шу қобилиятли болани мен илгарироқ пайқаганимда, излаб топганимда, ансамблга қанчалик яхши бўлар эди.

Демоқчиманки, ўқувчиларнинг баъзилари ниҳоятда уятчан, камтар, сирли бўлади. Мусиқа ўқитувчиси шундай иқтидорли ўқувчиларни вақтида изламоғи лозим. Бу ўринда кўрик-танловларнинг, Санъат байрамларининг роли беқиёсдир. Бўлажак «Ўзбекистон — ватаним маним» кўрик-танлови берадиган имкониятдан ҳам фойдаланиб, бутун ғайратимизни ишга солмоғимиз лозим. Бизнинг мактабимизга келсак, ушбу кўрикка тайёргарлик аллақачон бошланган. Хоналарни жиҳозлаганмиз ва жанрлар бўйича ҳар бир синфда иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда бир қувончли муваффақиятни айтмасдан ўтолмайман. Мактабимиз қатор йиллардан бери турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. 1978 йилдан то ҳозиргача ўқувчиларимиз миллий ансамбл бўйича, якка рақс, хор жанрлари бўйича қаторасига 15 марта туман кўригида, миллий ансамбл, якка созанда жанрлари бўйича 12 марта вилоят кўригида, якка созанда ва якка хонанда жанрлари бўйича 3 марта республика кўригида ғолиб деб топилганлар. Оз-моз мақтанишга ҳаққимиз бор, аммо мақсадларимиз ҳали кўп. Сентябрь ойидан мактабимизда туман «Санъат мактаби»нинг филиалини очиб, иш бошладик. Филиални очиш жараёнида раҳбарлар келишишса, ҳар қандай муаммо ечилишига гувоҳ бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз ўқитувчиларини ўз шогирдлари билан биргаликда «Ўзбекистон — ватаним маним» кўригида муваффақиятли қатнашишларини тилайман. Келинглар, азиз касбдошлар! Қўлни-қўлга берайлик! Ёш авлодни миллий руҳда, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялайлик! Менинг муаллим сифатида энг катта орзуим шул.

Орзуларим қуёшдек порлоқ,
Порлоқдирки, қомати тикман.
Орзуларсиз яшаш, қийинроқ,
Орзум билан мен ҳам тирикман.

**Фозилжон АБДУЛЛАЕВ,**
**Ғаллаорол туманидаги 33-ўрта мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси.**

---



*Юнусобод туманидаги «Лочин» спорт клубида ўқувчиларнинг волейбол, футбол, қўл тўпи, фарғонача кураш, дзю-до каби спорт турлари билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё. Ўтган йили туман бўйича ўтказилган спорт мусобақаларида улар фахрли ўринларни эгаллашди. Айниқса дзю-до ўқувчиларнинг энг севимли машғулотларидан бири. Қора белбоғ соҳиби Д. Шермет раҳбарлигида улар бу спорт тури сирларини қунт билан ўрганишмоқда.*

*Суратларда: ёш дзю-дочилар ўз мураббийлари бошчилигида машғулот ўтказишяпти.*

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

# БИЛДИРИШ

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси жорий йилда иккита долзарб масалани ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритишни режалаштириган.

Биринчиси (апрель), «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепциясидаги ғояларнинг амалга оширилиши ҳамда мазкур фаолиятни яхшилаш йўллари ҳақида», иккинчиси (декабрь) эса «Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш учун яратилган шароитлар тўғрисида».

Ҳозирги мустақиллик шароитида таълим-тарбиянинг барча йўналишларини қамраб олган тарбиявий ишлар тизимини яратиш, бунда асосий эътибор ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақил Ўзбекистон миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларга янгича тарихий онгни шакллантириш ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш кун тартибида турибди.

Худди шундай, ўқувчиларга чет тилларни ўқитишда ҳам қатор муаммоллар мавжуд.

Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси мазкур масалаларни ҳайъат мажлисига тайёрлаш жараёнида олимлар, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячилар, турли даражадаги раҳбар ходимлардан ишларни яхшилашга қаратилган аниқ таклифлар кутади.

*Таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:*

700078, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони, 5
Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси
Телефонлар: 39-19-34, 39-19-92

К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтининг ёқилғи учун II, III, IV кварталларга белгиланган учбурчакли муҳрлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

---

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вазирликнинг масъул ходими Абдуҳомид Ҳабибуллаевга волидаи муҳтарамаси**
**Ойжиғи момо МАХМАДАЛИ хожи қизи**
**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати, касаба уюшмаси ҳамда жамоаси институт миллий мафкура ва маънавият бўлимининг методисти Суннатилла Маҳкамовга опаси**
**Мавжуда МАҲКАМОВАнинг**
**бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.**

**1-Тошкент педагогика билим юрти маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси, педагоглар жамоаси билим юрти директори муовини, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи**
**Эргаш КАРИМОВ**
**вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.**

---

*Мулоҳаза*

# БОЗОР ВА БОЗОРЧИ ОДОБИ

Бугунги кунда бозор ва бозорчи сўзи асл маъносида қайтадан жаранглаб, турмушимизга янгича мазмун кашф этаяпти. Бозорга эътибор ҳам ошди. Лекин унинг қонун-қоидаларини, сотувчи ва харидор одобини етарли тушуниб етмаяпмиз чоғи. Шу боис алдамчиликка, ғирромликка, қаллобликка кўплаб дуч келинаяпти.

Бозорда косибларнинг ҳунаридан кўз қувонади. Фалон сумка чиройли, бежирим этик сотиб оласиз-да, фарзандингизни хурсанд қиласиз. Икки кундан кейин яроқсиз ҳолга келган харидорингизни кўриб тикканни ҳам, сотганни ҳам лаънатлайсиз. Лекин ўрнига тушмайди. Пулингизга куйиб қола берасиз.

Хўш, дермантиндан сифатсиз пойафзал тикаётган косибни, ҳалол, покиза, иймонли, инсофли, диёнатли деб буладими? Харидор емай-ичмай йиғиниб, бола-чақаси, рўзғор учун деб мол, бирон нарса харид қилса-ю, чув тушиб ўтирса-я. Наҳотки бировни зор қақшатиб топган оши, нони томоғидан ўтса уларнинг!? Ахир бозор дегани нопок йўллар билан бойлик орттир, пул топ, бола-чақангни боқ, дегани бўлмаса керак?

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг бир сўзини келтиришни жоиз деб биламан: «Олиб сотарларга фойда-ю, харидорга — нуқсонли мол. Ҳар икки томондан ёлғон ичган даллолдир. ...Улар савдога берилиб охиратни унутадилар, инсоф ва адолат тарозуси борлигини тан олмайдилар. Ўғил отани алдаши — буларнинг ҳунарлари».

Бозор — бу аслида сотувчи ва олувчи ўртасидаги ўзаро келишув, яъни сотувчи ўз молини бозорга солар экан, унинг ижобий ва салбий томонларини айтиб сотса, мақсадга мувофиқ булади. Савдога ғирромлик, қаллоблик, фирибгарлик аралашмаслиги керак.

Биз истаймизми-йўқми, бозор иқтисодиётига кириб бораяпмиз. Унинг ўз қонун ва қонуниятлари бор. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам бозор ва савдо қонун-қоидаларига, тартибига, одоб-ахлоқига риоя этишга мажбурдир. Бозор ахлоқи мезонларини бузганларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш жуда муҳим. Бунда маҳалла фаолларининг роли катта. Чунки маҳалла — ойна. Ундан фуқаронинг кимлиги, қанақалиги кўриниб туради.

Яна бир фикр. Ўрта мактабларнинг 5-11-синфларида «Иқтисодий билим асослари» махсус фан сифатида ўрганилаётганига икки йил буляпти. Мазкур дарсларнинг самарадорлиги, сифати оширилса, шунингдек синф раҳбарлари тарбиявий соатлари шу мавзуда суҳбатлар, машғулотлар олиб борсалар, маҳалла ҳаётидан олинган мисоллар билан бойитилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Афсуски, дарслик ва қўлланмалар йўқ. Биз юқоридаги салбий иллатлардан шу хулосага келиб, мактабимизда эътиборни «иқтисодий билим асослари» дарсларини ва тарбиявий соат машғулотларини юксак савияда ўтказишга қаратганмиз. Чунки келажагимиз бўлган ёшлар бугунги бозор иллатларидан тўғри хулоса чиқариб олишлари жуда муҳим. Негаки улар ҳам ҳадемай бозор уммонида сузишади. Ана шунда бозор, бозорчи одоби асқотади. Ҳа, бозор ва бозорчи одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этадиган кишиларни тарбиялаш мактабнинг вазифаси, бурчидир.

**Шамидулла ОТАҚУЛОВ.**

---

Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Улуғбек Жўмаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-081. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи 36.385.
123456